# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● www.xs.uz ● E-mail: info@xs.uz ● 2018 йил 7 ноябрь, № 230 (7188) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республикада балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ва инновацион услубларини жорий этган ҳолда ҳажмларини ошириш, соҳани тартибга солиш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини сифатли ва пухта таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, интенсив усулда балиқ етиштириш бўйича ишларга етарли даражада эътибор қаратилмаяпти, ҳудудларда балиқчилик тармоғини ривожлантиришда юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш, балиқчилик хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмас.

Балиқчилик хўжаликларига бириктирилган сув ҳавза майдонларидан илмий ёндашув асосида самарали фойдаланиш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек, ресурс тежамкор технологиялар ва инновацияларни кенг кўламда жорий қилиш ишларига етарлича эътибор берилмаяпти.

Сунъий сув ҳавзалари ҳосилдорлигини ошириш учун балиқчилик хўжаликларининг минерал ўғитларга бўлган талаби тўлиқ қондирилмаяпти. Шунингдек, минерал ўғитни бошқа муқобил ўғитлар билан алмаштириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш йўлга қўйилмаган.

Балиқни интенсив усулда етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун зарур асбоб-ускуна, анжом ва механизмларни маҳаллий ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган. Бунинг оқибатида кўплаб тадбиркорлар вақт ва маблағини ортиқча сарфлаб, уларни чет элдан харид қилмоқда.

Балиқчилик соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни киритиш ишлари лозим даражада ташкил этилмаган, бу борада хорижий давлатлар ва ташкилотлар билан самарали, ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Республикада интенсив усулда балиқ етиштиришни босқичма-босқич йўлга қўйиш ва рағбатлантириш, мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини кенг кўламда жорий қилиш, балиқчилик тармоғини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг узлуксиз сув таъминлаш имконияти бўлган сунъий сув ҳавза майдонлари мавжуд бўлган **балиқчилик хўжаликларини босқичма-босқич интенсив усулда балиқ етиштиришга ихтисослаштириш** тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2019 йилда республикада:

**балиқ етиштириш ва овлаш прогноз параметрлари** 1 ва 1а-иловаларга мувофиқ;

**балиқ етиштириш иншоотлари ва қурилмаларини барпо этишнинг прогноз параметрлари** 2-иловага мувофиқ;

**балиқчилик хўжаликларига омихта ем ва минерал ўғит (аммофос) етказиб беришнинг прогноз параметрлари** 3-иловага мувофиқ;

**репродуктор ҳовузларни ташкил этиш, балиқ чавоқлари етиштириш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш қувватларини ишга туширишнинг прогноз параметрлари** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси ва "Ипотека-банк" АТИБ билан биргаликда ушбу қарорга асосан ўрнатилган прогноз параметрларининг ижросини таъминлаш юзасидан **туманлар ва балиқчилик хўжаликлари кесимида манзилли чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқиб** тасдиқласин, уларнинг самарали ва тўлиқ ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан эквиваленти **50 миллион АҚШ доллари миқдорида** "Ипотека-банк" АТИБнинг устав капиталидаги давлат улуши оширилсин.

Белгилансинки, "Ипотека-банк" АТИБ устав капиталига йўналтириладиган Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги ПҚ-2718-сонли "Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ томонидан очилган кредит линияси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

Жамғарма уч ой муддатда ушбу бандда кўрсатилган маблағларни "Ипотека-банк" АТИБ устав капиталига ўтказиб берилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўрнатилган тартибда "Ипотека-банк" АТИБ томонидан чиқариладиган акцияларни рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

"Ипотека-банк" АТИБ устав капиталига киритилаётган эквиваленти 50 миллион АҚШ доллари миқдоридаги Жамғарманинг валюта маблағларидан зарурат бўлганда балиқчиликни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун фойдаланилади;

тадбиркорлик субъектларига ушбу бандда назарда тутилган маблағлар эвазига кредитлар тижорат фоиз ставкаси бўйича унинг 50 фоизини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан компенсация қилган ҳолда берилади;

"Ипотека-банк" АТИБ кейинги 5 йил давомида белгиланган тартибда Жамғарманинг улушини ҳар йилги соф фойда ҳисобидан акцияларнинг бозор қийматида, лекин номинал қийматидан паст бўлмаган қийматда сотиб олади.

"Ипотека-банк" АТИБ балиқчилик соҳасини ривожлантиришни молиялаштириш учун тақдим этилган лойиҳаларни чуқур таҳлиллар асосида рентабеллик, самарадорлик ва пул оқимларининг кредит ҳамда улар бўйича фоизларни ўз вақтида қайтаришни таъминлайдиган лойиҳаларнинг кредитланишини амалга оширади.

5. Балиқчилик лойиҳалари ҳажми ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган валюта туридан қатъи назар, тижорат банклари томонидан 2019-2020 йилларда ажратилаётган кредит фоизи учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация бериш**нинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

айланма маблағларни тўлдиришга (балиқ чавоқлари, омихта ем, минерал ўғит ва бошқалар) тижорат банки томонидан ўрнатилган **кредит ставкасининг 25 фоизи** миқдорида;

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Таркибида бизнес марказлари, савдо мажмуалари, меҳмонхона, хизмат кўрсатиш шохобчалари, офислар, ресторанлар, сунъий кўл ва фавворалар, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектларини мужассам этадиган "Termiz city" қурилиши икки йил давомида амалга оширилади. Бунга Германиянинг "Kema" компанияси томонидан 2 миллиард доллар ҳамда бошқа хорижий инвесторлар сармоялари йўналтирилади.

**● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Маданият вазирлиги ҳамкорлигида атоқли шоир Мақсуд Шайхзода таваллудининг 110 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказилди. Унда шоир ҳаёти, фаолияти ҳамда ижоди хусусида атрофлича сўз юритилди. Айни чоғда ижодкорга бағишланган китоблар ва суратлардан иборат кўргазма ташкил этилди.**

● Хоразмда тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш бўйича самарали иш олиб борилмоқда. Натижада биргина «Splash Urganch" ва "Splash Agro Food" масъулияти чекланган жамиятлари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида Туркияга 87 минг АҚШ доллари ҳажмидаги кунжут ва кунжут маҳсулотлари етказиб берилди.

**● Олий ҳарбий божхона институти Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти этиб қайта ташкил этилди. Ушбу даргоҳ божхона органлари учун бакалаврлар ва магистрларни тайёрлайди. Бу ерда божхона иши ва юриспруденция бўйича мутахассислар ўқитилади.**

● Жорий йилнинг ноябридан эътиборан ҳар ойнинг илк якшанбаси Дин ишлари бўйича қўмита тизимида "Мурувват куни" деб белгиланди. Бу кунда имконияти чекланган ҳамда эҳтиёжманд фуқароларга кўмак кўрсатилади.

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

## ТЎҚИМАЧИЛИК МАШИНАСОЗЛИГИДА НОЁБ ЛОЙИҲА






ШУ ЙИЛНИНГ ЁЗ ФАСЛИДА ПОЙТАХТИМИЗДА "METAL PROCESSING" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИШ БОШЛАГАН ЭДИ. ШВЕЙЦАРИЯНИНГ ЖАҲОНГА МАШҲУР "RIETER AG" КОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛГАН МАЗКУР ЛОЙИҲА ТУФАЙЛИ САНОАТИМИЗДА ЯНГИЛИК — ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ МАШИНАЛАРИ УЧУН БУТЛОВЧИ ҚИСМ ВА ДЕТАЛЛАР ТАЙЁРЛАШГА КИРИШИЛГАН.

### Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Айни пайтда мазкур корхона изчил фаолият юритмоқда. Бунга кеча "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси томонидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил этилган медиатур давомида яққол гувоҳ бўлдик.

Бугунги кунда корхонада 50 нафар киши меҳнат қиляпти. Завод цехлари Европа давлатларидан келтирилган энг сўнгги русумдаги технологик линиялар билан жиҳозланган. Уларда пўлат листлар қайта ишланади.

— Охирги уч ой давомида тўқимачилик дастгоҳларининг 3 мингга яқин бутловчи қисм ва деталлари ишлаб чиқарилди, — дейди корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Жаҳонгир Айметов. — Улар сифат борасида текширувдан ўтказилмоқда.

➡ 3

## ДУНЁ НИГОҲИ

## «Шавкат Мирзиёев бошлаган ислоҳотлар ўзининг амалий натижаларини бермоқда»

### Эътироф



**Америкалик таҳлилчи, Даниель Морган номидаги Миллий хавфсизлик масалаларини ўрганиш олий мактаби (Daniel Morgan Graduate School of National Security) катта илмий ходими Эдвард Лемоннинг Ўзбекистондаги ўзгаришлар ҳақидаги ёзган мақоласида шундай фикр билдирилади. Ушбу мақола нуфузли таҳлилий "World Politics Review" журналида чоп этилди.**

WPR WORLD POLITICS REVIEW

Экспертнинг фикрича, мамлакат бугунги кунда ташқи дунёга очиқликни намоён этаётир. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига киришгач, қатор муҳим ислоҳотларни бошлади.

Эдвард Лемоннинг таъкидлашича, Ўзбекистон амалга ошираётган ташқи сиёсий қадамлар муҳим натижаларга олиб келди. Сўзининг тасдиғи сифатида мутахассис республикамиз ташқи савдосининг кескин ортганини кўрсатади. Бундан ташқари, "2016 йилдан буён ўзбек иқтисодиётига хорижий инвестициялар ҳажми икки баробар ошди".

"Кечаётган ўзгаришлар, албатта, Ўзбекистон фуқароларига фойда келтирмоқда. Улар ўз фикрларини билдиришлари, қўшни давлатлардаги қариндошларини эмин-эркин бориб кўришлари мумкин... Улар иқтисодий тараққиёт тақдим этаётган имкониятлардан фойдаланмоқдалар... Шавкат Мирзиёев иқтисодиётни модернизациялаш ва ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини оширишга ҳаракат қилаётир. Хусусан, Президент мамлакат бюрократия тизимини ислоҳ қилиб, ёш, куч-қувватга тўла ўз касбининг усталари ва технократларни жалб этмоқда. Бу бошқарув тизимини яхшилашга имкон беради", дейди Э. Лемон.

South China Morning Post

## «Ўзбекистон Осиёнинг энг тез ўсиб бораётган туризм йўналишига айланди»

ХИТОЙНИНГ НУФУЗЛИ "SOUTH CHINA MORNING POST" ГАЗЕТАСИДА ЮРТИМИЗНИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ҲАҚИДА МАҚОЛА ЧОП ЭТИЛДИ.



Маълумки, ҳозирги кунда Хитой Халқ Республикаси ташаббуси билан "Бир макон, бир йўл" лойиҳаси амалга оширилмоқда. У амалда Буюк Ипак йўлининг рамзий маънода тикланишини билдиради. Шундан келиб чиқиб, нашр Ўзбекистонни транспорт коридори марказида жойлашган асосий мамлакат, дея таърифлайди.

Кейинги йилларда республикада тизимли ислоҳотлар амалга оширилиб, ушбу жараённи бутун халқаро ҳамжамият диққат билан кузатмоқда.

➡ 2

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

## ГЕНДЕР МАСАЛАСИ МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг гендер масалалари бўйича махсус вакили Мелани Вервир бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.*

Маълумот учун айтиш жоизки, айни пайтда мазкур ташкилотга Италия раислик қилмоқда.

Ўзаро мулоқотда хотин-қизларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ролини ошириш юзасидан мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, ушбу йўналишда Ўзбекистон ва ЕХҲТ институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Гендер тенглиги соҳасидаги икки томонлама муносабатларда ижобий ўзгаришлар кузатилаётгани таъкидланди.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан аёлларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва тиббий маданиятини, интеллектуал салоҳиятини ошириш, ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилаётгани қайд этилди.

➡ 2

## БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ




*Бу йил Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги кенг нишонланади. Унда ифодаланган қонун-қоидалар фуқароларимиз ҳаётида аллақачон ўз аксини топди, у ҳаётий ҳужжатга айланди. Асосий Қонунимиз демократик ва адолат тамойилларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқилгани сабабли мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимизнинг бугуни ва ёрқин келажагининг ишончли асосларини белгилаб бермоқда.*

### Сенатор минбари

Бугун Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмуни ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, унда, аввало, шахс манфаатларининг давлат манфаатидан устун, энг олий қадрият сифатида мустаҳкамлаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Демак, Конституция давлатнинг ижтимоий ва давлат тузуми, сайлов тизими, давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолиятини белгилаб берувчи Асосий Қонун эканлигидан ташқари, у бугун барча соҳада рўёбга чиқарилаётган ислоҳотларнинг ғоявий-ҳуқуқий пойдеворидир.

➡ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

наслли она балиқ ва балиқ увилдириғи, ёпиқ сув айланма тизими, қафас (садок) қурилмаларида ва бошқа интенсив усулларда балиқ етиштиришни ташкил этиш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, инкубация цехлари ва репродукторларни ташкил этиш, ҳовузлар қуриш ва қайта таъмирлаш, махсус техника ва бошқа асосий воситаларни харид қилиш ҳамда барпо этиш учун тижорат банки томонидан ўрнатилган **кредит ставкасининг 50 фоизи** миқдорида.

Тижорат банклари балиқчилик лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий банклар маблағларини жалб этиш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўрсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги **ҳар йили 15 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги маблағларни** 2019-2020 йиллар давомида тегишли йилнинг 1 февралига қадар балиқчилик лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига ўтказиб берсин.

7. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси, "Ипотека-банк" АТИБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг балиқчилик соҳасида тўлиқ тизимли (инкубация цехи, чавоқ ва товар балиқ етиштириш, юқори оқсилга бой балиқ еми, қайта ишлаш ва сақлаш) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган **балиқчилик кластерларини ташкил этиш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки, ташкил этилаётган балиқчилик кластерларининг йиллик балиқ етиштириш **қуввати камида 50 тонна** бўлган тақдирда улар 2019 йил 1 январдан бошлаб дастлабки уч йил давомида барча солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод этилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси, "Ипотека-банк" АТИБ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда салоҳиятли тадбиркорлик субъектларини, молиялаштириш манбалари ҳамда ер майдонларини аниқлаб, **2019 — 2021 йилларда балиқчилик кластерларини ташкил этишнинг манзилли дастури лойиҳаси**ни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. "Ўзэлтехсаноат" АК Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда балиқни интенсив усулда етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмлар ишлаб чиқаришни 2019 йил якунига қадар маҳаллийлаштириш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси республикада балиқни интенсив усулда етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, жиҳоз ва механизмларни ишлаб чиқиш мақсадида "Ўзэлтехсаноат" АК томонидан тақдим этилган лойиҳа ҳужжатларига асосан хорижий инвесторларни жалб этсин.

9. 2021 йил 1 ноябрга қадар муддатда:

наслли она балиқ, балиқ увилдириғи, шунингдек, республикада ишлаб чиқарилмайдиган инкубация, лаборатория, интенсив усулда балиқ етиштириш, балиқ овлаш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, музлатиш ва сақлаш учун зарур бўладиган асбоб-ускуна, анжом, механизмлар ва уларнинг эҳтиёт қисмлари, муқобил энергия таъминоти ускуналари, мелиорация ишлари учун махсус техникалар ва тирик балиқ ташувчи транспорт воситалари;

чет эл ташкилотлари ва уларнинг шуъба корхоналари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан балиқчилик хўжаликлари эҳтиёжи учун четдан келтириладиган омихта ем ва минерал ўғит (аммофос) божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

10. "Ўзкимёсаноат" АЖ балиқчилик хўжаликларига талаб қилинадиган **30,7 минг тонна** минерал ўғит (аммофос)нинг 2019 йил давомида ишлаб чиқарилиши ва биржа савдоларига қўйиб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги 2019 йил 1 апрелга қадар муддатда прогнозлаштирилган сув миқдоридан келиб чиқиб, ўрнатилган тартибда фаолият юритаётган балиқчилик хўжаликлари билан сувдан фойдаланиш бўйича шартнома тузилишини ва балиқчилик хўжаликлари учун белгиланган сув миқдорининг кафолатли етказиб берилишини таъминласин.

Сув танқислиги шароитида балиқчилик хўжаликлари томонидан сунъий сув ҳавзаларига бошқа манбалардан қўшимча сув олиб келиш чоралари кўрилади ҳамда мазкур ишлар балиқчилик хўжаликларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Белгилаб қўйилсинки, янгидан ташкил этиладиган сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш лойиҳаларига ер участкалари:

фақатгина **интенсив усул ва ресурс тежамкор** технологиялар қўлланганда;

сув билан кафолатли таъминлаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсири йўқлиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг хулосаси асосида ажратилади.

13. Балиқчилик хўжаликларининг сунъий сув ҳавза майдонлари ва ички канал, коллектор ва дренажлардаги мелиорация ва чуқурлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Белгилансинки:

балиқчилик хўжаликлари сунъий сув ҳавза майдонларида ички канал, мелиорация ва чуқурлаштириш бўйича бажариладиган ишлар балиқчилик хўжаликларининг ўз маблағлари;

барча коллектор ва дренажларда мелиорация бўйича бажариладиган ишлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси:

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда бир ой муддатда балиқчилик соҳасида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада кучайтириш мақсадида узвий ҳамкорликни йўлга қўйсин, балиқчилик соҳасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича "йўл харитаси" ишлаб чиқилишини;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда балиқчилик соҳаси ривожланган хорижий давлатларнинг илғор ва замонавий технологиялари асосида сунъий сув ҳавза майдонларида интенсив усулда балиқ етиштиришни ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ва намунавий лойиҳалар ишлаб чиқилиб жойларга етказилишини;

"Ўзкимёсаноат" АЖ билан биргаликда сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш ҳосилдорлигини ошириш учун сарфланадиган минерал ўғитни (аммофос) бошқа муқобил ўғит билан алмаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш, улар ҳақида балиқчилик хўжаликларига тушунтириш ишларини ташкиллаштирсин.

15. "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг илм-фан соҳасини ривожлантириш, инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш мақсадида 2019 йилда **уюшманинг Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард сўм йўналтирсин**.

16. "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг илм-фан ва инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда янги турдаги балиқларни маҳаллийлаштириш масалалари бўйича раис ўринбосари лавозимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

"Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда инновацион ғоялар, илмий ишланмалар, замонавий технологиялар ва илм-фан ютуқларини балиқ етиштириш ва уни қайта ишлаш тармоғига йўналтириш самарадорлигини ошириш мақсадида янгидан жорий этилган лавозимга чет эллик мутахассисни жалб қилиш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар давлат илмий-техник дастурларини шакллантиришда балиқчилик ташкилотлари сув ҳавза ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича инновацион ишланмалар ва замонавий технологиялар ишлаб чиқилишини назарда тутувчи илмий лойиҳалар киритилишини таъминласин.

18. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 апрелдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3680-сонли қарори 3-бандининг иккинчи хатбошиси "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасининг аъзолари бўлган балиқчилик фермер хўжаликларига нисбатан татбиқ этилмайди.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда **балиқчилик хўжаликларига сунъий сув ҳавза майдонларида етиштирилган балиқ ҳосилдорлигидан келиб чиқиб**, шунингдек, бу соҳадаги илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда табақалаштирилган ягона ер солиғи ставкаларини қўллаш бўйича таклиф киритсин.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

деҳқон бозорлари ва аҳоли гавжум бўлган ҳудудларда балиқ сотишни ташкил этиш учун аквариумлар ўрнатилиши ва ихтисослаштирилган савдо нуқталари ташкил этилиши бўйича манзилли дастурларни тасдиқласин;

балиқчилик соҳасига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини пухта ишлаб чиқиб, хорижий ҳамкорларни жалб этиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва "Ипотека-банк" АТИБга тақдим этсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, бошқа вазирлик ва идоралар "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмасига мазкур қарор ва бошқа қонун ҳужжатлари билан юклатилган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

22. **Айдар-Арнасой кўллар тизимида интенсив усулда балиқ етиштиришни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича комиссия** ташкил қилинсин ва унинг таркиби 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Комиссия (С. Р. Холмуродов) уч ой муддатда Айдар-Арнасой кўллар тизимида табиий фаунани муҳофаза қилиш, балиқларнинг янги турларини етиштириш, балиқчилик кластерларини ташкил этиш, рухсатсиз балиқ тутишга қарши курашишнинг самарали механизмини жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, шу жумладан, "Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси" ДУКнинг бошқарув самарадорлигини танқидий ўрганиб чиқиш, кўллар тизимини ишончли бошқарувга бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

23. Мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналар, хорижий туристлар, турли мамлакатларнинг балиқчилик соҳаси вакиллари, эксперт ва мутахассисларни кенг жалб қилган ҳолда 2019 йилдан бошлаб **ҳар йили ноябрь ойида балиқчиликка оид кўргазма ўтказиш амалиёти жорий қилинсин**.

24. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С. Р. Холмуродовга — ҳудудларнинг балиқчиликни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун салоҳиятли инвесторларни излаш, балиқчилик соҳасига инвестицияларни жалб қилиш, жалб қилинаётган маблағларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, Комиссиянинг самарали фаолиятини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимларига — қарор билан тасдиқланган прогноз параметрларининг ижросини таъминлаш юзасидан туманлар ва балиқчилик хўжаликлари кесимида манзилли чора-тадбирлар дастурларини ўз вақтида ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ва уларнинг ижроси устидан доимий назорат олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоровга — мазкур қарорда белгиланган бюджетдан молиялаштириш тадбирлари учун маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ажратилиши;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Б. Т. Юсуповга — мазкур қарор билан тасдиқланган прогноз кўрсаткичлар ижроси устидан хўжаликлар кесимида мониторинг тизими ўрнатилиши ва уларнинг ҳисоботи юритилиши, балиқчилик кластерларининг фаолияти ташкил этилиши ҳамда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш. Р. Хамраевга — балиқчилик хўжаликлари билан сувдан фойдаланиш бўйича шартнома тузилиши ва уларга белгиланган сув миқдори кафолатли етказиб берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Б. Т. Кучкаровга — табиий сув ҳавзаларини балиқлантириш ишлари, балиқ ресурслари муҳофаза қилиниши ва улардан оқилона фойдаланилиши ҳамда балиқ овлаш қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатиш;

"Ўзкимёсаноат" АЖ раиси А. А. Абдуллаевга — минерал ўғит (аммофос)нинг вегетатив мавсумда белгиланган миқдорда биржа савдоларига чиқарилиши;

"Ўзэлтехсаноат" АК раиси А. А. Абдуллаевга — балиқни интенсив усулда етиштириш, овлаш ва қайта ишлаш учун анжом, асбоб-ускуна ва механизмларнинг республикада ишлаб чиқарилишини ташкил этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

25. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва "Ўзбекбалиқсаноат" уюшмаси билан биргаликда балиқчилик соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги "Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2939-сонли қарорига 6-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

27. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар бўйича таклифлар киритсин:

тегишли рухсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан балиқ тутганлик, шунингдек, балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш тўғрисида;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.

28. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О. Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 6 ноябрь

ДУНЁ НИГОҲИ

## «Ўзбекистон Осиёнинг энг тез ўсиб бораётган туризм йўналишига айланди»



1

"Ислоҳотларнинг самарадорлигига яққол мисол сифатида туризм соҳасини кўрсатиш мумкин, — дейилади газетада. — Хусусан, жорий йилнинг ўзида мамлакатга сайёҳлар оқими 40 фоиз ортди. Ўзбекистон Осиёнинг энг тез ўсиб бораётган туризм йўналишига айланди".

"South China Morning Post" журналистларининг фикрича, ўзбек замини чинакам архитектура ихлосмандлари эътиборини жалб қила олади. Ўлканинг қадим шаҳарлари вақт синовидан ўтиб, илк кўринишини сақлаб қолган. Улкан миноралар ва масжидлар ўзининг гўзаллиги билан кишини ҳайратга солади ҳамда гўё тарихга қайтиб, ўтмишни ёркин тасаввур қилиш имконини беради. Ўзбек халқининг самимийлиги, меҳмондўстлиги билан бирга, ана шу омилларнинг барчаси мамлакатда сайёҳлар учун ажиб бир муҳит яратади.

> Сўнгги вақтда ўлкада янги меҳмонхоналар қурилмоқда, транспорт тизими такомиллаштирилаётир, хизмат кўрсатиш даражаси ўсяпти. Бу борадаги ислоҳотлар замон талаблари ва туристлар истакларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Мамлакатимиз пойтахти ҳақида сўзлар экан, мухбирлар Тошкентда Парижнинг меъморий гўзаллиги, Лондоннинг ям-яшил боғлари, Нью-Деҳлининг қадимий урфини кўриш мумкин, дея фикр билдиради. Афросиёб шаҳри харобалари, мана неча асрки, сайёҳлар ва олимлар эътиборини тортиб келмоқда. Регистон майдони эса бекиёс гўзаллиги ва муҳити билан инсонни ҳайратга солади. Бухоро ёркин мовий гумбазлар шаҳри бўлса, Хива очиқ осмон остидаги музейдир. "Шаҳар шу даражада табиий гўзаллигини сақлаб қолганки, "Ичан-Қалъа"га борсангиз, ўзингизни Ўрта асрлар даврига тушиб қолгандек ҳис қиласиз", дея тавсия этади "South China Morning Post".

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

## «Ўзбекистон иқтисодиёти равнақига сезиларли туртки берадиган янги саҳифа очилмоқда»

*Ўзбекистонда Марказий Осиёдаги биринчи АЭС қурилиши ҳақидаги янгилик олис Венгрияда ҳам акс садо берди.*

*Ушбу мамлакатдаги учта энг машҳур электрон нашр қаторидан жой олган "Orient Press" янгиликлар агентлиги томонидан мазкур мавзуга бағишланган таҳлилий репортаж берилди.*

Акс садо

Журналистларнинг маълум қилишича, стратегик объект Россиянинг "Росатом" давлат корпорацияси мутахассислари иштирокида барпо этилади. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан 19 октябрь куни Тошкентда рамзий тугма босилиб, лойиҳага старт берилди.

Венгриялик атомшунос мутахассисларнинг баҳосига кўра, Ўзбекистонда бунёд қилинаётган АЭС энг замонавий технологиялар билан жиҳозланади ва Халқаро атом энергияси агентлигининг хавфсизлик бўйича ҳамма стандартларига жавоб беради. Унинг қурилишида хавфсизликнинг барча меъёри ва энг қатъий экологик талабларга риоя этилади.

"Бўлажак атом станциясининг учун жой танлаш шундай кўринишдаги объектлар учун энг муҳим кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда олиб борилди. Мажмуа ҳар бирининг қуввати 1200 мегаваттлик иккита энергоблокдан ташкил топади. АЭСнинг қурилиши 2028 йилда якунига етказилиши кутиляпти", — дея қайд этиб ўтади ахборот агентлиги.

Манбада Ўзбекистонда махсус тузилма Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги — "Ўзатом" тузилгани, у атом энергетикасини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш билан шуғулланиши эслатиб ўтилди.

"Яқин-яқингача мамлакатда атом энергетикаси салоҳияти деярли ишга солинмай келинарди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу стратегик йўналишни ўзлаштиришни бошлади. Бунинг шарофати билан миллий энергетика тарихида Ўзбекистон иқтисодиёти равнақига сезиларли туртки берадиган янги саҳифа очилмоқда", — дея таъкидланади мақолада.

**С. ҚОСИМЖОНОВ**
**тайёрлади.**

## ГЕНДЕР МАСАЛАСИ МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

1

Сўнгги йилларда хотин-қизларнинг шаҳар ва туман ҳокимият вакиллик органларида, тадбиркорлик ва бизнес соҳасида, шунингдек, ҳаётнинг турли жабҳаларидаги фаолияти анча жонланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 2 февралдаги "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳам ушбу масалага устувор йўналиш сифатида қаралган. Унга кўра, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, иш билан бандлигини таъминлаш, аёллар тадбиркорлигининг турли шаклларини ривожлантириш бўйича аниқ мақсад ва вазифалар белгиланди.

Учрашувда аёллар нодавлат нотижорат ташкилотларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва хотин-қизлар халқаро ҳаракатида фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганига алоҳида урғу берилди.

Меҳмон бошчилигидаги ЕХҲТ делегацияси аъзолари бугун Тошкентда ўз ишини бошлайдиган "Демократик янгиланиш ва модернизациялашда хотин-қизларнинг роли: энг яхши халқаро амалиёт ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуидаги халқаро конференцияда иштирок этади. Унда ЕХҲТнинг гендер масалалари бўйича 2004 йилдаги Ҳаракатлар режасида белгиланган олтита устувор йўналиши, аъзо давлатлар томонидан ЕХҲТ мажбуриятлари бажарилишига ҳамда хотин-қизларнинг гендер тенглиги ва ҳуқуқларига доир масалаларни ҳал қилиш учун аниқ чоралар кўрилаётганига эътибор қаратилади.

М. Вервир гендер тенглиги масаласига давлат томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликни эътироф этди. Айни чоғда у бу бўйича тажриба алмашиш, экспертлар қўмагини ташкил қилишга тайёрлигини айтиб ўтди.

Учрашувда бу борадаги ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

## БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

1

Айнан Бош Қомусимизда белгилаб берилган инсонпарварлик тамойиллари асосида 2018 йил — Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида ҳам фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор, "ақлли" технологиялар ва "ноу-хау"ларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш бошланди.

Йил бошидан буён фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш, Асосий Қонунимизда белгилангандек, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини янги, янада юксак босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ташқи иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта имконият ва захиралар мавжуд. Бу борада Марказий Осиё мамлакатлари ва йирик шериклар — Хитой, Россия, Жанубий Корея, АҚШ, Туркия, Европа иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш давом эттирилмоқда. Бизнес ва иқтисодиётни ривожлантириш, инвестиция фаолиятига ижобий туртки бериши мақсадида Ўзбекистонда халқаро стандартлар асосида валютани либераллаштириш сиёсати амалга оширилмоқда.

Худди шундай инновацион янгиланиш дастурини шакллантириш, инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш, Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизациялаш мақсадида қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни рўёбга чиқариш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳукумат қарори ҳам халқимиз фаровонлигини оширишга замин ҳозирлайди. Барча қилинаётган эзгу саъй-ҳаракатлар замирида Конституциямизда белгиланган инсонпарварлик тамойиллари устувор экани халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлайди. Зеро, Бош Қомусимиз давлатимизнинг барқарор ва изчил тараққий этишининг ҳуқуқий кафолатидир.

**Эгамберган РЎЗМЕТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# НАВОИЙДА 28 та ҚЎШМА КОРХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

## Бунда республика ишчи гуруҳи аъзолари фаоллик кўрсатди.

*Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси аъзолари жойларда бўлиб, ишбилармонлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш, истиқболли инвестиция лойиҳаларини татбиқ қилишда фаоллик кўрсатмоқда.*

*Хусусан, ишчи гуруҳ аъзолари Президентимизнинг 2018 йил 11 сентябрдаги "Ҳудудларда тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга кўмаклашиш мақсадида Навоий вилоятидаги тадбиркорлар билан учрашди.*

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда ишчи гуруҳ томонидан ҳудуддаги 80 га яқин хорижий инвесторлар ва дипломатик корпус вакиллари билан музокаралар олиб борилди. Натижада чет эл капитали иштирокида 28 та янги корхона ташкил этилди. Улардан бири эронлик инвестор Ҳомед Баҳромий томонидан амалга оширилган йирик инвестициявий лойиҳадир.

Қизилтепа туманидаги Тўдакўл ҳудудида балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган ушбу ташаббус хориждан янги технология олиб киришни кўзда тутади. Лойиҳанинг умумий қиймати 12 миллион АҚШ долларига тенг.

Аммо бу режа молиявий ресурслар билан боғлиқ муаммо сабабли амалга ошмай турган эди. Ишчи гуруҳ билан учрашув давомида инвесторнинг бу масаласига ижобий ечим топилди. Зеро, унга зарур маблағнинг 70 фоизи банкдан кредит сифатида ажратилди. 500 та янги иш ўрни яратиш имконияти юзага келди. Улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нафақат маҳаллий бозорларда сотилади, балки экспорт ҳам қилинади.

— Ишчи гуруҳга қилган мурожаатимиздан сўнг мушкулимиз анча енгиллашди, — дейди эронлик инвестор, "Мастер Фиш" компанияси вакили Ҳ. Баҳромий. — Тўғриси, муаммо жуда тез ҳал бўлишига ишонмаган эдим. Бунинг учун Президентингиздан миннатдорман. Бизга шунча кўп имкониятлар яратилганидан хурсандман. Прокуратура ва ҳокимият ходимлари ҳам барча масалада кўмак беришаётир.

Калава ипдан тайёр маҳсулотгача бўлган жараённи қамраб олган "Тошработ текстиль" МЧЖ жорий йил бошида ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, унинг Навоий шаҳридаги тўқув ва Қизилтепа туманидаги тикув фабрикаларида бугунги кунда 500 дан ортиқ ёшларнинг бандлиги таъминланган. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 350 минг тонна газлама ҳамда 340 минг дона тайёр маҳсулот бўлган ушбу корхоналар фаолиятини янада кенгайтириш эса қўшимча маблағ талаб этиши табиий.

**Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари жараёнида тадбиркор ва фуқаролардан**

**354 та** мурожаат келиб тушди

**233 та** муаммо ҳал қилинди

Ишчи гуруҳга шу мазмунда мурожаат бўлган эди. У жойида ҳал этилди. Тадбиркорга Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкидан 14 миллиард 500 миллион сўм миқдорида кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

— Лойиҳамиз ишга туширилди, — дейди "Тошработ текстиль" МЧЖ бош мутахассиси Фаррух Халилов. — Келгусида жинси материалларидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариб, экспорт қилишни режалаштирганмиз.

Ўтган йили 3 гектар майдонда Жанубий Корея технологияси асосида иссиқхона ташкил этган "Кармана агро трединг" МЧЖ жорий йилда фаолият кўламини янада кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Шу сабабдан ҳозирги кунда туман ҳудудидан 20 гектар ер ажратилиб, унинг 11 гектарида 5,5 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа қийматига эга янги иссиқхона қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. 200 дан ортиқ иш ўринлари яратишни мақсад қилган тадбиркорга ишчи гуруҳ томонидан газ ва сув таъминотига уланиш ҳамда чет элдан технологиялар олиб киришда амалий ёрдам берилди.

— Лойиҳа ишга туширилгач, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, помидор, бодринг етиштирамиз, — дейди мазкур МЧЖ директори Акбар Пўлатов. — Уларнинг 70 — 80 фоизи чет давлатларга йўналтирилади.

Ишчи гуруҳ фаолияти давомида нафақат иқтисодий, балки ижтимоий лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, "Вагус" даволаш-диагностика маркази фаолияти мавжуд талаблар асосида кенгайтирилди. Ўтган йили бу ерда "Кардиожарроҳлик" маркази ҳам иш бошлади. Олти ой давом этган қурилиш ишларидан сўнг мазкур мажмуани жиҳозлаш бўйича ҳам кўмак кўрсатилди.

— Ажратилган маблағлар марказимизга аниқ ташхис қўядиган тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш имконини берди, — дейди "Вагус" даволаш-диагностика маркази раҳбари Фахриддин Хирочев. — Бу ерда стационар шароитида даволаш йўлга қўйилди. Қолаверса, кўплаб мураккаб турдаги жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун ҳам барча қулайликка эга.

Умуман, юқорида қайд этилган қарор ижросини таъминлаш бўйича Навоий вилоятидаги ишчи гуруҳ ўрганишлари жараёнида тадбиркор ва фуқаролардан жами 354 та мурожаат келиб тушди. Шундан, 233 таси ёки 69 фоизи ижобий ҳал қилинди. Айни пайтда қолган ҳамда қўшимча масалаларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилмоқда.

Зеро, тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни жойига чиқиб ўрганиш ва уларга ҳар томонлама кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидандир.

## ТИББИЁТ янгиликлари

*Германиянинг Эрланген-Нюрнберг университети олимлари шоколад, чой, қаҳва ва вино таркибидаги гидрохиноннинг руҳли бирикмаси инсондаги кексайиш жараёнини секинлаштиришини илмий асосда исботлашди.*

### Кексайишни секинлаштирувчи бирикмалар



Тадқиқот натижаларига кўра, руҳ инсон танасидаги оксидланиш ортишига, нафас олиш жараёнида ҳужайралардаги супероксид пайдо бўлишига тўсқинлик қилувчи гидрохинонларни фаоллаштиради. Супероксид эса биомолекулаларга зарар келтиради.

### Денгиз карами — шифо

*Даниялик олимлар юрак-қон томир деворларини мустаҳкам тутувчи, юрак хуружи хавфини сезиларли даражада камайтирувчи яна бир маҳсулот турини аниқлашди. Бу — денгиз карами.*



Гап шундаки, денгиз карами магний ва темир моддасига, А, С, Е витаминларига бой. Денгиз карами таркибидаги полисахаридлар иммуниал тизим фаолиятини яхшилайди, организмда модда алмашинувини меъёрда ушлаб туради, қондаги холестерин миқдорини камайтиради.

### Жигар хасталикларини даволовчи табиий маҳсулотлар

*Жигар касалликларини баҳор мавсумида даволаган яхши. Бунинг учун беҳи шарбатидан кунига бир-икки коса ичиш кифоя қилади. Қанча вақт давомида ичиш касалликнинг оғир-енгиллигига, эски-янгилигига қараб белгиланади.*



Шунингдек, олимлар бир қатор табиий маҳсулотлар ёрдамида жигар хасталигининг олдини олиш мумкинлигини илмий асослаб беришди. Булар ошқовоқ, ўрик туршаги, бодринг, сабзи, лавлаги, ялпиз, зира, аччиқ бодом, лимон, равоч илдизи кабилардир.

Ушбу мева-сабзавотлар жигар хасталигининг бир қатор турларига даво бўла олади.

### Меъёридан ортиғи зарар

*Америка олимлари туз бўйича изланишлар олиб бориб, ушбу маҳсулотнинг яна бир зарарини аниқлашди. Маълум бўлдики, тузни меъёрдан ортиқ истеъмол қилиш склероз хасталигига олиб келаркан.*



Склероз, бу — сурункали аутоиммуниал хасталик ҳисобланиб, асаб, бош мия ва умуртқа поғонаси фаолиятига жиддий зиён етказади. Ҳозирча ушбу касалликни тўлиқ даволаш имконияти мавжуд эмас. У билан оғриганлар соғлом одамларга қараганда 5 — 10 йил камроқ умр кўриши кузатилган.

Туз меъёридан кўп истеъмол қилинганда, "Wnt" сигнал йўлида ноқулайликлар ва жиддий хатоликлар кўзга ташланади. Бунинг оқибатида "Т" тўқималар фаолиятига путур етади. Бу эса марказий асаб тизимини ишдан чиқаради.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

## Эҳтиром



### «Улуғбек юлдузлари» Тошкентда

*Тошкент шаҳар Планетарийсида "Улуғбек юлдузлари" экспонати очилди. Унда буюк аллома Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти, астрономияга оид кашфиётлари, илм-фанга қўшган улкан ҳиссаси, шогирдлари даврасида ўтказган бахтли онлари тасвирланган.*

Экспонатнинг очилиши ҳамда Тошкент шаҳар Планетарийси ташкил этилганининг ўн беш йиллиги муносабати билан ўтказилган маросимда хорижлик меҳмонлар, юртимиздаги таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёшлар қатнашди.

Тадбирда мамлакатимизда буюк аждодларимиз яратган асарларни чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Янгидан очилган экспонат ҳам астрономия илмини ўрганган қомусий олимнинг дунё илм-фани ривожидаги ўрнини кенг жамоатчиликка, жумладан, ёшларга тушунтиришда айни муддаодир.

**Юлдуз ЎРМОНОВА.**

# «АМИРСОЙ» — ЖАҲОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ КУРОРТ БЎЛАДИ

*"Амирсой" тоғ курорти — Ўзбекистонда қурилаётган энг йирик туристик объектлардан бири. Лойиҳа юртимиз, аниқроғи, "Билдирсой"даги биринчи тоғли курорт бўлиб, унда мижозларга қулай, хавфсиз ва сифатли, жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатилиши кўзда тутилган.*



Хўш, қисқа муддатда қурилаётган ушбу маскан қишки мавсумга тайёр бўладими? У минтақадаги рақобатчиларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади ва ўзига хосликлари нимада?

Қурилиш ишларига энг илғор ва инновацион технологиялар жалб қилинган мазкур лойиҳа уч босқичда амалга оширилади. Жорий йилнинг 15 декабрида унинг биринчи босқичи якунланиб, шу куни дам олиш маскани очилиши режалаштирилган.

— Ушбу дам олиш маскани Европа талаблари даражасидаги курортлардан бирига айланади, — дейди "Амирсой" тоғ курорти директори Хосе Антонио Карнисер. — Боиси курорт қурилишига энг сўнгги ва замонавий технологияларни жалб қилганмиз. Қолаверса, бунёдкорлик ишлари барча хавфсизлик қоидаларига мос равишда олиб бориляпти. Курорт Тошкент шаҳри, шу билан бирга, аэропортга яқин ҳудудда жойлашгани ҳам диққатга сазовор. Яна бир ютуғимиз шуки, бу — чанғи учишга мос келувчи қор борлигидир. Дам олиш маскани аҳолининг барча қатламлари учун бирдек мўлжаллангани боис нархлар ҳам ҳамёнбоп бўлади.



Айни пайтда бу ерда ишлар жуда қизғин паллада. Йўл-қурилиш ва бошқа юк машиналари тоғ чўққиси томон керакли материалларни ташимоқда. Умумий узунлиги 3 километрдан ортиқ 2 та осма дор йўли ҳамда 10 километрли 8 та тоғ чанғи трассасининг қурилиш-монтаж ишлари кетмоқда. Қисқаси, қиш мавсумида жами узунлиги 21,3 километр бўлган, турли мураккабликдаги 28 та рельефли трасса тоғ чанғи усталари ва сноубордчилар ихтиёрида бўлади. Курортда яратилган инфратузилма ва сервис ҳар қандай меҳмонга ҳам манзур бўлиши, шубҳасиз.

Бундан ташқари, 15 декабрга қадар 2 та ресторан, тоғ чанғиси ва бошқа воситаларни ижарага бериш пунктларига эга кўп тармоқли марказ қуриб битказилади. Шу кунга қадар лойиҳанинг энг мураккаб қисми — тоғ бўйлаб ҳаракатланувчи кириш ва дор йўлларига олиб борадиган технологик йўлакларни қуриш ишлари якунланган.

Лекин барча иш ҳам силлиқ кетяпти, деб бўлмайди. Об-ҳаво инжиқлиги ҳамда вақтнинг тиғизлиги билан боғлиқ муаммолар, яъни курортга олиб борувчи магистраль йўл, шунингдек, дор йўлини ўз вақтида ишга тушириш учун электр узатиш минораларини қуриш билан боғлиқ масалаларни тезкор ҳал этиш чоралари кўрилмоқда.

Зеро, энг йирик туристик объект лойиҳасининг белгиланган муддатда ишга туширилиши мамлакатимиз ижобий имиджига бевосита дахлдор масаладир.

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**

# ТЎҚИМАЧИЛИК МАШИНАСОЗЛИГИДА НОЁБ ЛОЙИҲА

1 ➡

Албатта, сифатли маҳсулот тайёрлаш, кўп жиҳатдан мутахассислар малакаси ва салоҳиятига боғлиқ. Шу боис биз ҳозир ушбу масалага алоҳида эътибор қаратяпмиз. Бунга швейцариялик ҳамкорларимиз ҳам хайрихоҳ бўлиб, ўз ёрдамларини аяшмаяпти. Масалан, ушбу мамлакатнинг "SkillSonics International AG" компанияси мутахассислари томонидан корхонамиз ишчи-ходимлари учун назарий ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Бундан кўзланган мақсад мутахассисларимиз тажрибасини янада оширишдир.

Дарҳақиқат, биз бу ерда бир нечта чет эллик, яъни "SkillSonics International AG" компанияси мутахассисларини учратдик. Улар ҳар бир дастгоҳда ўзига бириктирилган ходимлар билан астойдил ишлашмоқда.

Шу ўринда ушбу компания хусусида икки оғиз сўз. У саноат корхоналари ходимларининг профессионал маҳоратини ошириш бўйича халқаро доирада тан олинган компаниялардан бири ҳисобланади. Унинг дастурида 100 дан зиёд йўналишлар қамраб олинган.

— Бу борадаги ҳамкорлигимиздан кўзланган мақсадлардан яна бири — "Metal Processing" корхонаси маҳсулотлари сифатини янада ошириш ва ташқи бозорда рақобатдошлигини таъминлаш, — дейди "SkillSonics International AG" компанияси лойиҳалар ва савдо бўйича менежери Андреас Кнухил. — Бунга ишончимиз комил. Чунки бу ерда меҳнат қилаётган ёшлар иқтидорли. Ўз ишига ўта масъулият билан ёндашади.



Айтиб ўтганимиздек, корхона энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Шу нуқтаи назардан уни бошқариш катта тажриба талаб этади. Мазкур лойиҳа, аввало, тўқимачилик машинасозлиги саноати янги босқичга чиқаётганидан далолат берса, кадрлар тажрибаси оширилиши ишга янада унум ва барака бағишлаши, шубҳасиз.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Радиация хавфсизлиги маркази**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига асосан тугатилиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти ташкил қилинди.

**Мазкур қарорларга асосан, ЎзР ФА Ядро физикаси институти ЎзР ФВВ ҳузуридаги Радиация хавфсизлиги марказининг ҳуқуқий вориси этиб белгиланган.**

**Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.**

954J/465

**Мурожаат учун телефон: 71-289-31-50.**



*Президентимизнинг шу йил 1 ноябрдаги “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги қарори халқимиз тарихи ва маданиятига, аввало, унинг оғзаки ижоди — фольклор санъатига алоҳида эътибор намунаси бўлди.*

*Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Термиз шаҳрида ҳар икки йилда бир марта Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши ўзбек миллий бахшичилик ва достончилик санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат туйғуларини янада кучайтиришга туртки беради.*

# ЎЗБЕК МИЛЛИЙ БАХШИЧИЛИК ВА ДОСТОНЧИЛИК САНЪАТИ

## Унинг ноёб намуналари Термиз шаҳрида ўтказиладиган нуфузли фестиваль орқали кенг тарғиб қилинади.

Халқ ижодиётини ўрганиш бу халқнинг турмуш тарзи, урф-одати, анъаналарини, бугуни ва келажаги, руҳиятини ўрганиш демакдир. Фольклорда халқнинг ўзини билиш, англаш, ўзини намоён этиш хислатлари, қадимдан ривожланиб келаётган ҳаёт тарзи, дунёқараши акс этади.

Халқнинг мифологик тафаккурдан поэтик идрок қилишга ўтиши ва унинг самараси бўлган бугунги фольклор мероси шунчалар мураккабки, унинг айрим намуналарида илк маданий илдизлардан то замонавий маиший турмуш ва қарашларнинг поэтик мушоҳада қилинган бадиий ифодаларигача кўриш мумкин.

Оғзаки сўз санъатининг энг кичик мақол жанридан, то энг йирик эпик жанрларигача мансуб асарлар бадиияти, бадиий-эстетик аҳамияти профессионал халқ бахшилари фаолияти билан боғлиқ. Бахшилар миллат тарихи, санъати, маданиятини минг йиллар давомида асраб-авайлаб, авлоддан-авлодга етказаётган, миллий маданият, тарих ва фалсафага ўзининг беназир улушини қўшиб келаётган улкан ижодкорлардир. “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмуш”, “Рустамхон” каби улкан бадиий обидалар ҳам бизга ана шундай эпик ижодкорлардан мерос бўлиб қолган.

Қарорда таъкидланганидек, бахшилар фестивали халқаро кўлам ва миқёс касб этади. Дунёнинг турли бурчакларидан келадиган бахшилар, оқинлар, жировлар, эпос санъати усталари ўз санъатларини шу ерга келиб намойиш этадилар, бахшиларимиз билан беллашадилар. Бу нарса дунё аҳлининг эътиборини бизнинг юртимизга қаратибгина қолмай, балки ўзбек халқ достонларининг дунёга ёйилишига, тарғиботига ҳам хизмат қилади.

Ўтказилажак нуфузли фестиваль барча қардош халқларни ва дунё жамоатчилигини, биринчи навбатда, маънавий бирлаштиради. Халқ достонларида, тер-

**Муносабат**

маларида илгари сурилган ғоялар нафақат бир миллат ва халққа, балки бутун инсониятга тааллуқли бўлади, идеал образларни, юксак маънавий фазилатларни, эзгу орзу-армонларни ифодалайди. Шу боис ҳам бир достоннинг турли халқларда турлича вариантлари мавжуд. Масалан, биргина “Гўрўғли” достонининг юртимизда юзлаб вариантлари, қардош ва бошқа халқлар орасида кўплаб муқобиллари бор. Бу улкан эпос ўзбек, туркман, қозоқ, қорақалпоқ, уйғур, озарбайжон, турк, қримтатар, тожик, арман, грузин, курд, ажар, лезгин, абхаз, қумиқ, гагауз, қараим, бошқача айтганда, Марказий Осиё, Кавказ, Яқин Шарқ, Сибирь, қисман Европа халқлари орасида жуда ҳам кенг тарқалган. Айни пайтда мазкур достоннинг ҳар бир версиясида ўша миллатнинг анъана ва қадриятлари, бадиий сўз санъатидаги ўзига хосликлар ҳам ўз ифодасини топган.

“Гўрўғли” каби достон намуналари дунё халқларининг маънавий мероси ҳамдирки, уни кенг миқёсда ўрганиш шу жиҳатдан ҳам муҳим.

Бахшиларимиз томонидан севиб куйланиб келинаётган барча достонлар фақатгина халқимизнинг шонли ўтмишини ҳикоя қилувчи адабий ёдгорликларгина эмас, комил инсон тарбиясида катта аҳамиятга эга, бугунги кунда тобора глобаллашиб бораётган жамиятда ўзлигини сақлаб қолишнинг муҳим омили, эртанги кунги маънавий-маданий тараққиётимизнинг пойдевори, миллат ва элатлар ўртасида дўстликни улуғловчи, инсонийликни тараннум этувчи бадиий сўз намуналаридир.

Фестиваль доирасида халқаро илмий анжуман ўтказилишининг ҳам аҳамияти беқиёс. Зеро, бу қадим санъатнинг юртимизда бугунги кунда жонли ижро ҳолатида яшаб келаётганлигига хорижда, жумладан, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Германия, АҚШ, Туркия каби мамлакатларда қизиқиш кучли. Шу боис нуфузли анжуман доирасида дунёнинг турли бурчакларидан нафақат нодир меросимиз шинавандалари, балки фольклоршунос олимларнинг ҳам тўпланиши ушбу ноёб санъатни янада чуқур ўрганиш, тадқиқ қилишда катта роль ўйнайди.

**Жаббор ЭШОНҚУЛ,**
**филология фанлари доктори,**
**фольклоршунос олим.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**Табиий газдан фойдаланувчи аҳоли ва улгуржи истеъмолчилар диққатига!**

**«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**шуни маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2018 йил 1 ноябрда тасдиқланган 19-03-22-06-ЎзР-68-2018-сонли нархлар прейскурантига асосан, Ўзбекистон Республикаси аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларига етказиб бериладиган табиий ва суюлтирилган газ учун нархлар**

**2018 йилнинг 16 ноябридан бошлаб қуйидагича белгиланади:**

| Т/р | Номи | Стандарт ёки ТУ | Ўлчов бирлиги | Ўлчов бирлиги тарифи (сўм, ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда) | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2018 йил 16 ноябрдан | 2019 йил 1 июндан |
| 1. | Табиий газ: | | | | |
| 1.1. | Аҳолига маиший эҳтиёжлар учун, газ ҳисоблагичи мавжуд бўлганда | ГОСТ 5542-2014 | 1 куб.м | 320,0 | 350,0 |
| 1.2. | Аҳолига маиший эҳтиёжлар учун, газ ҳисоблагичи мавжуд бўлмаганда:<br>— овқат тайёрлаш ва иссиқ сув учун;<br>— иситиш учун | <br><br>-«-<br>-«- | <br><br>1 куб.м<br>1 куб.м | <br><br>553,0<br>320,0 | <br><br>605,0<br>350,0 |
| 1.3. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сонли қарори билан тасдиқланган Рўйхатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ва алоҳида хизмат кўрсатувчи истеъмолчилар учун | ГОСТ 5542-2014 | 1 куб.м | 1000,0 | 1000,0 |
| 1.4. | Автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари учун (жумладан, ўз балансида автомобиль газ тўлдириш компрессор станциялари мавжуд юридик шахслар) | ГОСТ 5542-2014 | 1 куб.м | 800,0 | 800,0 |
| 1.5. | Бошқа улгуржи истеъмолчилар учун, шунингдек, пишган ғишт, асфальт ва цемент ишлаб чиқарувчи, энергия жиҳатидан самарали технологиялар ва ускуналарни жорий этган, шунингдек, ёқилғининг муқобил турларидан (кўмирдан), шу жумладан, цемент ишлаб чиқаришнинг «қуруқ усули»дан фойдаланувчи корхоналар учун | ГОСТ 5542-2014 | 1 куб.м | 600,0 | 650,0 |
| 2. | Аҳолининг маиший эҳтиёжлари учун сотиладиган суюлтирилган газ | ГОСТ 20448-90 | 1 кг | 950,0 | 1200,0 |

***Изоҳ:***

***1.*** Ушбу прейскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ёқилғи-энергетика ресурслари нархларининг ва тарифларининг босқичма-босқич ўзгариши тўғрисида»ги 2018 йил 1 ноябрдаги 897-сонли қарорига асосан белгиланган.

***2.*** Прейскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган.

***3.*** Ушбу прейскурант кучга кириши билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган 2018 йилнинг 16 мартдаги №19-03-22-06-ЎзР-7-2018-сонли улгуржи истеъмолчилар учун ва 2018 йилнинг 16 мартдаги №19-03-22-06-ЎзР-8-2018-сонли аҳоли истеъмолчилари учун белгиланган табиий газ тарифлар реестрлари ўз кучини йўқотади.

961R/473

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

**«Асака» банки**

**қуйидаги миллий валютадаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:**

**«МАНФААТЛИ»**

*Омонатга фоизлар қуйидагича ҳисобланади:*
*12 ой сақланса — 16 фоиз (йиллик);*
*13 ой сақланса — 17 фоиз (йиллик);*
*18 ой сақланса — 18 фоиз (йиллик).*
*Ҳисобланган фоизларни, омонатчининг истагига кўра, ҳақиқатда сақланган муддат учун олиш мумкин.*

**«Асака» банки шу билан биргаликда миллий ва хорижий валюталарда 38 турдаги қулай шартларда муддатли омонатларни таклиф этади.**

*Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин.*

**Мурожаат учун телефонлар: 78-120-82-37, 78-120-82-65, 78-120-82-98.**

| Филиаллар | Код | Телефон | Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 78 | 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | 69 | 227-15-68 |
| «Автотранспорт» филиали | 78 | 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | 36 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 78 | 140-39-36 | Зарафшон филиали | 36 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 78 | 150-93-86 | Бухоро вилояти филиали | 65 | 770-05-19 |
| Сергели филиали | 71 | 257-44-10 | Бухоро шаҳар филиали | 65 | 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | 78 | 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | 66 | 233-65-47 |
| Андижон вилояти филиали | 74 | 223-60-74 | «Афросиёб» филиали | 66 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 74 | 233-21-99 | Қашқадарё вилояти филиали | 75 | 221-07-41 |
| «Фарҳод» филиали | 74 | 226-96-63 | Сурхондарё вилояти филиали | 76 | 770-82-12 |
| Фарғона вилояти филиали | 73 | 244-39-14 | Қорақалпоғистон филиали | 61 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 73 | 237-62-23 | Хоразм вилояти филиали | 62 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 73 | 432-19-80 | Сирдарё вилояти филиали | 67 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 73 | 542-61-01 | Жиззах вилояти филиали | 72 | 226-43-11 |

**Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**
— декларация қилинмайди;
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
— миқдори чекланмаган.

**«Асака» банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

**Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди**

**2018 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш мақсадида танлов эълон қилади.**

Аудиторлик ташкилотларининг тижорат таклифлари 2018 йилнинг 20 ноябригача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100027, Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 1-уй.

**Маълумот учун телефонлар:** 71-238-69-45, 71-238-69-46.

**Веб-сайт:** www.fgd.uz **E-mail:** info@fgd.uz, uzfgvgb@mail.ru

***Белгиланган муддатдан кейин юборилган тижорат таклифлари танловда иштирок этмайди.***

**РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МЕТАЛЛ ПРОКАТ ҚУЙИДАГИ АССОРТИМЕНТДА ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДА МАВЖУД:**



**РУХЛАНГАН ЎРАМЛАР**

0,4 х 1250 — 10 500 000 сўм/тонна
0,45; 0,5; 0,7 — 9 750 000 сўм/тонна

**ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПЎЛАТ**



RAL 3005 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 6005 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 8017 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 9003 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 6005 0,50х1250 — 12 200 000 сўм/тонна

**ИССИҚ ПРОКАТДАН ҚИЛИНГАН ЛИСТЛАР**

1,8х1000х2000 — 8 500 000 сўм/тонна
1,8х1250х2500 — 8 500 000 сўм/тонна
2,8х1250х2500 — 7 900 000 сўм/тонна

Шунингдек, буюртма бўйича ҳам ишлаймиз.
Кенг ассортиментда металл прокат. Тўлов шакли — нақд пулсиз.
**e-mail:** stal-invest@inbox.uz
**Тел.: 95-475-00-65.**

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 71 728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Навбатчи — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.10 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6